ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖОДКОРЛИГИНИ ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Гулбахор Хамидова
Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Маколада мактабгача таълим муассасаларидаги болалар интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда, тарбиячилар томонидан педагогик жараённи ташкил этишда интерактив методлардан фойдаланишнинг самарали усуллари курсатилган.

Калит сўзлар: машғулот, таълим, тадкикот, инновация, интерактив, рефлексия, энержайзер.

DEVELOPMENT OF INTELLECTUAL ABILITIES IN PRESCHOOL CHILDREN USING INTERACTIVE METHODS

ABSTRACT

The article highlights the issues of effective use by teachers of interactive methods in the organization of the pedagogical process in the formation of intellectual abilities in children in preschool educational institutions

Keywords: lesson, education, research, innovation, interactive, reflection, energizer

КИРИШ

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида мургъак қалбларга таълим тарбия бераётган тарбиячиларнинг олдиларида энг мухим вазифаларидан бири хам болаларнинг бунёдкорлик хисларини тарбиялаш, ижодкорлик ва креативлик кўникмаларини тарбиялаш, қолаверса табиат яратган бойликлардан оқилона фойдаланиш рухида тарбиялашдан иборат бўлиши лозим.

Сўнгги йиллардаги таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга эътибор бериш, мактабгача таълимга оид инновацияларни излаш, уни таълим-тарбия жараёнига, тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига киритиб боришда малака ошириш тизимининг ахамияти каттадир. Айникса, педагогик жараёнга илғор педагогик технологияларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

татбик этиш, инновацияларни жорий этиш, ўқитувчи ва тарбиячиларни замонавий усуллардан фойдаланиш, кўникма ва малакалари билан куроллантириш малака ошириш тизими олдига қўйилган вазифалар замирида амалга оширилмокда.

Ҳозирги вақтда дунё психологлари таъкидлаганидек, «индиго» болалар дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни катталарданда тез сезмокдалар. Шунинг учун бугунги кун тарбиячилари олдида бир қатор долзарб вазифалар турибди. Шулардан бири таълим жараёнида интерактив усуллардан фойдаланишдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

«МТМ тарбиячилари кайси интерактив усуллардан кандай фойдалана олади?» деган хакли савол тугилади. «...Педагог болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб киламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг узи ана шундай билимга эга булиши керак».

Мактабгача ёщдаги болаларда интерактив усуллардан фойдаланган холда ижодорлик хиссини тарбиялаш борасида олимларнинг билдирган фикрларини тащлил қилишни мақсадга мувофиқ. Жумладан, Н.Л.Фигурин, М.П.Денисова, М.Ю.Кицяковская, А.Валлон, Д.Б.Елконин, Е.А.Аркин, С.Фаянс, Сщ.Бюлер, Ф.И.Фрадкиналарнинг асарлари алохида ахамиятга моликдир. Тарбиячиларни интерактив усуллардан оқилона, мақсад ва шароитга мувофиқ тарзда дидактик тамойилларга асосланган ҳолда фойдаланишга ўргатиш бугунги кунда замонавий педагогиканинг мухим масалаларидан бири ҳисобланади.

МТМ тарбиячилари ўз фаолиятларига замонавий усулларни мактабгача таълимга оид илмий мақолалар, рисолалар, маҳаллий илғор тажрибаларни ўрганиш орқали татбиқ этиб келмокдалар. Баъзан, интерактив усулларнинг моҳияти ва мақсадини тўлиқ англамаган ҳолда қўлламокдалар. Шунинг учун малака ошириш жараёнининг ўзида интерактив ўкув муҳити яратилиб, тарбиячилар унинг бевосита иштирокчисига айлансалар, яъни хар бир интерфаол усулни бевосита ўзларидан утказиб узлаштирсалар, ушбу усулларни мактабгача таълимга мослаштириб, амалиётга татбиқ этишлари шунчалик осон ва қулай кечади.

Мактабгача таълим муассасаларида интерактив усуллардан «Ақлий хужум», «Ролли ўйин», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳсмунозара», «Галереяга сайр», «Кластер», «Бумеранг», «Энержайзерлар»дан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи машғулот ўтказиш жараёнида машғулотнинг боши ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

оҳирида мавзу юзасидан болаларнинг тушунчаларини аниқлаш ҳамда олган билимларини мустаҳкамлаш учун аклий ҳужум усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. «Кичик гуруҳларда ишлаш» болаларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашувига асосланади. Бўнда гуруҳда таҳлил қилиш, текшириш асосида берилган мавзу ишлаб чиқилади. «Ролли ўйинлар»да болаларга бирор муаммоли вазият берилади. Болалар бу метод ёрдамида реал ҳаёт ҳолатларини жонлантирадилар. Баҳс-мунозара методида болаларга бир кун олдин мавзу берилади. Болалар саволларга ота-оналаридан сўраб жавоб топиб келадилар ҳамда берилган саволларга жавоблар «баҳс-мунозара» асосида олиб борилади.
Педагогик технология - болани мустақил ижод қилиш, билим олиш, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Методика - педагогнинг билими, кўникмаси, маҳорати, шаҳсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шаҳс, педагог учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йуллари мажмуидир.

У алоҳида методикаларга ажратилади:

- Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади.
- Болага билимлар тайёр ҳолда берилмайди, у келгусида билимларни манбалардан мустақил ола билиш, фикрлай олиш, мустақил позицияда тўра олишга ўргатилади.
- Барча болаларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.

НАТИЖАЛАР

Юқорида келтирилган интерактив усуллар ва методлардан фойдаланиш мактабгача таълим сифати ва самарадорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Тарбиячининг машғулотга тайёргарлик модулини қуллаш усуллари билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, хар бир машғулот аввалида тарбиячи «бугунги педагогик вақтда болаларга нималарни ўргата оламан?» деган саволни ўз олдига қуйиши ва аниқ мақсадни белгилаб олиши зарур. Шунинг учун хар бир тарбиячи тайёргарлик модулини яратишида педагогик вазият учун кетадиган таҳминий вақтни аник белгилаши лозим.
Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, интерактив усулларни қуллаб тайёрлов гуруҳида тажриба-тадқиқот машғулотининг тарбиячи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

томонидан тайёргарлик модули ва машғулот ишланмасидан намуна келтирамиз:

Мавзу: Ҳаво билан таништириш.

Тарбиячи: Болалар бугун мен сизларга тадқиқот билан шуғулланадиган олимлар ролини бажариш имкониятини бераман. Хозир мен сизларга бир топишмоқни айтаман. Топишмоқнинг жавобини топсангиз, тадқиқот нима билан утказилишини билиб оласиз.

Болалар: Ҳаво.

Тарбиячи: Айтинг-чи, атрофимиздаги ҳавони курамизми?

Болалар: Йук, курмаймиз.

Тарбиячи: Болалар ҳавони куриш учун биз лабораторияга борамиз (болалар ок фартукни тақиб стол атрофига турадилар). Ҳавони билиш учун уни тутишимиз керак.

Тажриба: «Куринмасни тут».

Тарбиячи: Хаммангиз стол устидаги полиэтилен ҳалтани қулингизга олинг, унда нима бор?

Болалар: У буш.

Тарбиячи: Уни олиб бир неча марта пуфлаймиз, энди уни бураймиз, ҳалта ҳавога тулди, ҳаво тулдирилган ҳалтача ёстиққа ўхшайди. Ҳаво бутун ёстиқчага ўрнашиб ҳалтачани эгаллади. Агар биз уни ечиб юборсак нима бўлади?

Болалар: Ҳалтадаги ҳаво чиқиб кетади, буюм
ўз ҳолига қайтади.

Тарбиячи: Ҳавони сезиш учун уни тутишимиз керак экан, биз бўнга эришдик. Биз ҳавони тутдик.

Тажриба: «Пуфлаш машқи».

Тарбиячи: Сизнинг олдингизда сув солинган стакан бор, стаканга солинган найчани пуфлаймиз ва нима содир бўлишини кузатамиз.

Болалар: Майда пуфакчалар ҳосил булади.

Тарбиячи: Биз пуфлаганимизда ҳаво чиқиб, сувда пуфакчалар ҳосил бўлади. Демак, ҳавони яна бир бор кўзатдик.

Энержайзер. «Кувноқ шарчалар».

Ўйиннинг бориши. Ушбу ўйин учун 6-8 та шар керак булади. Иштирокчилар «санама» айтиш орқали 3 ёки 4 гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзолари давра куриб, бир-бирларининг қулларини махкам ушлайдилар. Тарбиячи ҳар бир гурухга бир нечта шар беради. Уларнинг вазифаси қулларини қуйиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

юбормасдан шарларни ҳавода иложи борича кўпрок уйнатишдан иборат. Ерга тушган шарни олиш мумкин эмас. Шарларни узок вақт ҳавода ушлаб уйнатган гуруҳ ғолиб деб топилади.

МУҲОКАМА

Интерактив ўқитиш машғулотини ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратишингиз тавсия этилади:

Машғулот иштирокчилари, мавзуни танлаш:

- иштирокчилар ёши, уларнинг қизиқишлари;
- машғулот ўтказишнинг вақтинчалик белгилари;
- шу мавзуда ушбу гуруҳлар билан аввал машғулот ўтказилганми?
- Шу машғулотга гуруҳнинг қизиқиши.Керакли шартлар қуйидагилар:
- Машғулот мақсади.
- Тарқатма материаллар.
- Техник жиҳозлар.
- Иштирокчилар.
- Асосий саволлар, уларнинг кетма-кетлиги.
- Ҳаётдан амалий мисоллар.

Ҳар бир машғулотда бўлиши керак бўлган аспектлар:

- Ечими керак бўлган муаммони аниқлаш.
- Иштирокчиларни таништириш (танишув учун машғулотлар, эмоционал сиқувларни бартараф этиш).
- Келажакда олинган билимларни қўллаш.
- Амалий қисм.

Интерактив методлар:

- Танишув, «Музёрар» ўйин.
- Давра суҳбати.
- Ақлий ҳужум.
- Ролли ўйинлар.
- Кичик гуруҳларда ишлаш.
- Жуфтликда ишлаш.
- Баҳс-мунозара.
- Галереяга сайр.
- Энержайзерлар.

Ушбу интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда турли қизиқарли машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш болаларнинг таълим олишга бўлган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

қизиқишларини ошириб, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, интерфаол усулларни амалда қуллаш натижасида болалар бу усулларни ўзидан ўтказиб, купрок амалий билим ва куникмаларни эгаллайдилар.

ХУЛОСА

Юкоридаги фикрлардан ҳулоса қилиб қўйидагиларни айтиш жоиз:

- мактабгача ёшдаги болалар қизиқувчан, харакатчан, ташаббускор, эркин фикрловчи, кўзатувчан, соғлом бўлиши керак. Ҳозирда хар бир бола эркин ижод қилиши ва ўзининг қобилиятини кўрсата олиш хуқуқига эга. Ноанъанавий машғулотларда илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда меҳр билан болаларга иқтидорини намоён қилишига шароит яратиб беришимиз зарур. Тарбиячиларнинг ўтаётган машғулотлари замон талаблари асосида бўлибгина қолмасдан, тарбияланувчининг ўзи хам бу машғулотдан завқ олсин;
- мактабгача таълим муассасаларида мактабга тайёрлашда болаларни хар томонлама фаоллаштирувчи усуллар-интерактив методлардан фойдаланиш зарўрдир, чунки илғор педагогик технологиялар, ноанъанавий усуллар билан таълим-тарбия бериш ҳозирги даврда жуда яхши самара беради, таълим сифатини оширади;

Тарбиячи томонидан қўлланиладиган интерактив усуллар болаларнинг қизиқиши ва эхтиёжларини қондирадиган даражада ташкил этилиши мактабгача таълимнинг сифатини оширувчи муҳим омил ҳисобланади.

REFERENCES

1. Е.Рамакаева Одаренные и дети индиго: как их распознать. // «Бошланғич таълим», 2016, 3-сон.
2. «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш - юксак маънавиятли келажак авлодни тарбиялаш негизидир» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т., 2009.
3 Usmanova, M. (2020). 6-7-YOSHLI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA TA'LIMIY MASHGULOTLARNING ORNI. Журнал дошкольного образования,(1)
4. Usmonova, M. (2021). KICHIK MAKTAB YOSHDAGI BOLANING MOTIVATSIYA SOHASI RIVOJLANISHI: KICHIK MAKTAB YOSHDAGI BOLANING MOTIVATSIYA SOHASI RIVOJLANISHI. Журнал дошкольного образования, 2(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01014

5 Usmanova, M. (2020). THE CONCEPT OF EDUCATIONAL PROFESSIONAL COMPETENCE AND ITS YIELD FACTORS. Архив Научных Публикаций JSPI.
6. Gulbahor Hamidova .The importance of using interactive techniques in preschool education system.
7. Г. Хамидова., Ф.Нумонжонова**.** Мактабгача ёшдаги болалар интеллектуал қобилиятлари-ни интерактив методлар орқали ривожлантириш. Таълим, фан ва инновация, 2020/2
8. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
9. Хасанова, Г. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ. Academic research in educational sciences, 2(1).
10. F. N. Vaxobova, SH. B. Nabixanova, D. Karimova - Maktabgacha yoshdagi bola shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim asoslari - -Toshkent-2015
11. Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., To'raev A.B. Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari. – Toshkent, 2015. – 120 bet.75